

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АХРАРОВ БАХТИЁР САГДУЛЛАЕВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТ ЙЎНАЛИШИДАГИ БАКАЛАВРЛАРНИ
ТАЙЁРЛАШДА «АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ» КУРСИНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ахраров Бахтиёр Сагдуллаевич Иқтисодиёт йўналишидаги бакалаврларни тайёрлашда «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитиш методикаси	3
Ахраров Бахтиёр Сагдуллаевич Методика обучения курсу «Информационная безопасность» для подготовки бакалавров экономических направлений	23
Akhrarov Bakhtiyor Sagdullaevich Methods of teaching the “Information Security” course for training bachelors of economic directions.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АХРАРОВ БАХТИЁР САГДУЛЛАЕВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТ ЙЎНАЛИШИДАГИ БАКАЛАВРЛАРНИ
ТАЙЁРЛАШДА «АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ» КУРСИНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1PhD/Ped379 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Арипов Мирсаид Мирсидикович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абдуқодиров Абдуқаҳҳор Абдувакильевич**
педагогика фанлари доктори, профессор

Зайниддинов Хакимжон Насриддинович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент-кимё технология институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.Ped.01.09 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй.) Тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-02-24; e-mail: pauka@nuu.uz)

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Р.Х.Джураев,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси ўринбосари, п.ф.д., академик

А.Д.Асқаров,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

М.Тўхтасинов,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида ахборот хавфсизлигини таъминлаш барча мамлакатлар учун иқтисодий ривожлантириш, жамият фаровонлигини таъминлаш гарови бўлиб қолмоқда. Дунё таълим тизими тараққиётида рақамли иқтисодий ривожлантириш, унда жорий этилаётган ахборот тизимларидан ахборот хавфсизлигини таъминлаган ҳолда самарали фойдаланиш ҳамда ахборот маданияти шаклланган кадрларни тайёрлаш масалалари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида иқтисодий соҳасининг ахборот тизимларидан фойдаланувчи бўлажак кадрларга ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларини илғор таълим технологиялари, сифатли методик таъминот, инновацион ёндашув асосида ўқитиш муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ўқитиш орқали талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш, ахборот тизимларидан самарали фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларини тадқиқ этиш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, иқтисодий соҳасида жорий этилган ахборот тизимларидан фойдаланувчи бўлажак кадрларга ахборот хавфсизлиги масалаларини ўқитишнинг мазмуни ва методик асосларини такомиллаштириш, концептуал, тизимли ёндашувлар асосида уларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган замонавий ўқитиш методлари ва технологияларини таълим амалиётига жорий этишни чуқурлаштириш долзарб илмий-тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмуни мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиёти истиқболлари, илғор технологияларнинг замонавий ютуқлари асосида ривожлантириш борасидаги ислохотлар олий таълим моддий-техника базасининг янгиланишини, ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларига асосланган инновацион таълим технологияларининг кенг жорий этилишини таъминламоқда. Шу билан бир қаторда малакали кадрларни тайёрлашда ахборот хавфсизлиги масалаларини ўқитишга оид методик таъминотнинг амалиёт билан боғлиқлик даражасини ошириш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, миллий иқтисодийнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш»¹ каби вазифалар белгиланиб, бу борада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

иктисодиёт йўналишидаги бўлажак бакалаврлар учун «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитиш методикаси ва методик таъминотини такомиллаштириш, касбий тайёргарлик даражасини диагностика қилиш механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2909-сонли Қарори, «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида»ги Қонуни, шунингдек, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган долзарб вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги замон олимлари ахборот хавфсизлигига информатика фанининг муҳим, ажралмас қисми сифатида қарамокдалар (масалан, А.В.Велихов, В.П.Косарев, Р.М.Юсупов, В.П.Заболотский ва бошқалар).

Ахборот хавфсизлигининг илмий йўналиш сифатида шаклланиши хорижий тадқиқотчилар J.R.Anderson, F.Cohen, E.Spafford, P.G.Neumann, B.Schneier, W.R.Cheswick, S.M.Bellovin, A.D.Rubin, R.Lehtinen, D.Russell, G.T.Gangemi, I.Dubrawsky, J.Faircloth, ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари А.А.Грушко, В.Ю.Гайкович, В.И.Ярочкин, П.Д.Зегжда, Н.А.Кузнецов, В.В.Кульба, А.А.Малюк, В.И. Завгородний, В.А.Галатенко, В.В.Домарев, республикамиз олимлари З.Т.Адилова, М.М.Арипов, П.Ф.Ҳасанов, С.К.Ганиев, М.М.Каримов ва бошқа олимлар номи билан боғлиқ.

Дидактика масалаларига оид тадқиқотлар Ю.К.Бабанский, В.П.Беспалько, В.И.Загвязинский, В.В. Краевский, И.Я. Лернер, М.Н.Скаткин, В.А.Сластенин, А.В.Хуторской ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ёритилган.

Педагогик ва ахборот технологияларни таълим тизимида жорий этиш масалалари А.А.Беспалько, Е.С.Полат, А.А.Абдуқодиров, У.Ш. Бегимкулов ва бошқа олимлар тадқиқотларида атрофлича ўрганилиб, ёритилган.

Е.П.Велихов, А.П.Ершов, С.А.Бешенков, Е.А.Ракитина, С.В.Симонович, Н.В.Макарова, А.Г.Степанов, В.В.Лаптев, республикамиз олимлари А.А.Абдуқодиров, М.М.Арипов, Б.А.Бегалов, С.С.Ғуломов, У.Ю.Юлдашев, Ф.М.Зокирова, Н.И.Тайлаков, А.Ғ.Ҳайитов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида информатика фанини ўқитишнинг назарий ва амалий асослари ёритиб берилган.

Ахборот хавфсизлиги масалаларини ўқитишнинг назарий ва амалий асосларини ривожлантиришга бағишланган тадқиқотлар W.Neugent,

M.Bishop, W.Yurcik, D L Doss, V.Niekerk, V.Solms, S.Sharma, J.Sevchek, M.Shing, C. Shing, K.Chen, H.Lee, В.П.Поляков, М.А.Абиссова, И.Н.Кирко, Т.А.Малых, Л.А. Самоделова, Г.Н.Чусавитина ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, олиб борилган тадқиқотлар, асосан, ахборот хавфсизлиги йўналиши иқтисосликлари бўйича бакалаврлар тайёрлашга оид бўлиб, бўлажак иқтисодчи бакалаврларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ касбий компетенцияларини шакллантириш масалаларига кам эътибор берилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-2015-4-9 «E-Hospital корпоратив ахборот тизими» (2015–2016 йй.) мавзусидаги инновация лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган бакалаврият босқичи талабалари учун «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитиш методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахборот хавфсизлиги масалаларининг олий таълим тизимида ўқитилиши ҳолати, ўзига хос хусусиятлари ва методик шарт-шароитларини тадқиқ қилиш ҳамда «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитиш концепциясини ишлаб чиқиш;

миллий иқтисодиёт ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва технологик йўналишларини камраб олган долзарб мавзуларни тизимлаштириш асосида курс мазмунини такомиллаштириш;

талабалар мотивациясини ошириш ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришда тизимли ва таксономик ёндашувларни босқичли жорий этишга йўналтирилган алгоритмларнинг педагогик имкониятлари асосида «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитиш методикасини такомиллаштириш;

ўқув материалларини кўргазмалилик, тўлиқлик, фаолиятга йўналтирилганлик тамойиллари асосида ишлаб чиқиш орқали курснинг дидактик воситалари имкониятлари, ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган талабалар учун «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба синов ишларига Солиқ академияси, Тошкент молия институти ва Самарқанд давлат университетининг 344 нафар талабалари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитишнинг мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини амалга оширишда муаммога оид илмий, ўқув-услубий ишлар ва илмий-техник адабиётларни таҳлил қилиш, тест, кузатиш, суҳбат, педагогик тажриба-синов, баҳолаш, математик-статистик таҳлил, натижаларни умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак иқтисодчи бакалаврларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитиш концепцияси миллий иқтисодиёт ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий, маъмурий, амалий ва дастурий-техник чораларини қўллашга устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

«Ахборот хавфсизлиги» курси мазмуни миллий иқтисодиёт ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий ва технологик йўналишлари таркибий бирликларини («Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари», «Ахборот хавфсизлигининг комплекс тизими», «Операцион тизимлар ва уларда ахборот хавфсизлиги») киритиш асосида такомиллаштирилган;

курсини ўқитиш методикаси талабалар мотивациясини ошириш ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришда тизимли ва таксономик ёндашувларни босқичли жорий этишга йўналтирилган алгоритмларнинг педагогик имкониятлари асосида такомиллаштирилган;

курсининг ўқув-методик таъминоти (интерактив дарс ишланмалари, ўқув қўлланмалар ва ўқув-услубий қўлланма) амалий ўқув фаолиятга йўналтирилган диагностик воситаларни (тушунчаларни назорат қилиш, интерактив кроссворд, мультимедиали блиц-сўров дастурлари) ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодиёт йўналишидаги бакалаврларни тайёрлашда «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитишнинг мазмуни, дидактик модели ва мажмуаси ишлаб чиқилиб, улардан ўқув жараёнида фойдаланилган;

«Ахборот хавфсизлиги» курсининг маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини ҳамда ўзлаштириш назоратини ўтказиш бўйича методик тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

«Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитиш учун ўқув-услубий қўлланмалар, диагностик воситалар ишлаб чиқилган ва улар ўқув жараёнига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган ўқув-услубий қўлланмалар ҳамда уларга берилган тақризлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқтисодиёт йўналишидаги бакалаврият босқичи талабалари учун «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитиш концепцияси, дидактик модели, мажмуасини ташкил этувчи ўқув-услубий қўлланмаларнинг ишлаб чиқилганлиги ҳамда таксономик ёндашув асосида когнитив соҳа тоифалари бўйича лойиҳалаштирилган ўқитиш методикаси мазмуни ва воситаларининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти «Ахборот хавфсизлиги» курси мазмунига мос ҳолда яратилган дарс ишланмалари, мультимедиа воситалари, назорат-тест топшириқлари тизими ҳамда илмий-методик тавсиялар ахборот хавфсизлиги масалаларини ўқитишнинг методик таъминотини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Иқтисодиёт йўналишидаги бакалаврларни тайёрлашда «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитиш методикаси бўйича олинган натижалар ва тавсиялар асосида:

бўлажак иқтисодчи бакалаврларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш, «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитиш концепцияси, миллий иқтисодиёт ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий ва технологик йўналишлари таркибий бирликларига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 мартдаги 107-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Информатика ва ахборот технологиялари» фани ўқув дастури ва ўқув методик таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 89-03-2337-сон маълумотномаси). Натижада ушбу фан машғулотларининг соатлар бўйича тақсмоти оптималлаштирилиб, курс мавзуларини ўқитишнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш ва таълим самарадорлигини оширишга эришилган;

курсини ўқитиш методикасини такомиллаштириш, талабалар мотивациясини ошириш ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, тизимли ва таксономик ёндашувларни босқичли жорий этишга йўналтирилган алгоритмларнинг педагогик имкониятларига оид таклифлар асосида курснинг ўқув машғулотлари лойиҳалаштирилган, «Ахборот хавфсизлиги», «Ахборот хавфсизлиги бўйича амалиёт», «Ахборот-коммуникация технологиялари ва улардан фойдаланиш» номли ўқув қўлланмалар нашр этилган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 89-03-2337-сон маълумотномаси). Курс бўйича ишлаб чиқилган дарс ишланмалари, ўқув қўлланмалар иқтисодиёт йўналишидаги бакалаврларни тайёрловчи олий таълим муассасаларининг ўқув-методик таъминотини бойитишга ва талабаларда «Ахборот хавфсизлиги» курсининг долзарб йўналишлари бўйича назарий билим, малака ва кўникмалар, касбий компетенцияларни ривожлантиришга хизмат қилган;

курснинг ўқув-методик таъминоти, амалий ўқув фаолиятига йўналтирилган диагностик воситаларни жорий этишга оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 30 июндаги 258-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари ахборот тизимида компьютер вирусига ва зарар етказувчи дастурларга қарши ҳимояни ташкил қилиш регламенти»ни ишлаб чиқишда, шунингдек 2013 йил 14 августдаги 651-хс-сонли буйруғига асосан ҳудудий давлат солиқ бошқармалари раҳбар ходимлари учун «Давлат солиқ хизмати органларида ахборот-коммуникация

технологияларидан фойдаланиш» номли ўқув курсларини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 10 январдаги 13-00577-сон маълумотномаси). Натижада давлат солиқ хизмати органлари ахборот тизимларидан ахборот хавфсизлигини таъминлаган ҳолда самарали фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг асосий мазмуни ва ғоялари 8 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 3 та ўқув қўлланма ва 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иқтисодиёт йўналишидаги бакалаврларни тайёрлашда «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитишнинг илмий-методик асослари**», деб номланган биринчи бобида ахборот хавфсизлигининг илмий-методологик моҳияти, ахборот хавфсизлиги масалаларининг олий таълим тизимида ўқитилиши ҳолати таҳлили, «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари ва педагогик шартлари, мазкур курсни ўқитиш концепцияси баён қилинган.

«Ахборот хавфсизлиги» тушунчасининг мазмун-моҳияти, олимлар, тадқиқотчиларнинг турли ёндашувлар асосида берган таърифлари таҳлил этилиб, умумлаштирилган ҳолда ушбу тушунчага қуйидагича таъриф келтирилган: «Ахборот хавфсизлиги деб ахборот тизимида тасодифий ёки ғаразли равишда ахборот эгасига ёки унинг фойдаланувчисига зарар етказувчи таҳдидлардан ҳимояланганликка айтилади». Ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини самарали амалга оширишда ахборот инфраструктурасини қўллаб-қувватлаш учун шароитлар яратиш билан бирга тегишли билим, малака ва кўникмага эга бўлган кадрларни

тайёрлаш тақозо этилиши ҳамда ахборот хавфсизлиги масалаларини ўқитиш педагогик муаммо эканлиги асослаб берилган.

Олий таълим тизимида ахборот хавфсизлигини ўқитиш масалаларига оид дастлабки илмий нашрлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларда, асосан, ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилган.

Россияда ва Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Давлат таълим стандартлари таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

а) 1-гуруҳ йўналиши (ахборот хавфсизлиги йўналиши) учун ўқув дастурлари, ўқув адабиётлар, дидактик материаллар етарли даражада яратилган ва ўқитиш тажрибалари тўпланган. Ушбу босқич йўналиши талабалари учун ўқитиш мақсадларига эришиш имконини берувчи замонавий педагогиканинг кўплаб метод ва услублари яратилган. Кейинги йилларда бу борада кўплаб дарсликлар, ўқув қўлланмалар чоп этилган.

б) ахборот хавфсизлиги масалаларини 2-гуруҳ йўналишлари (информатика ва ахборот технологиялари ҳамда турдош йўналишлар) учун ўқитишда ҳам ўқув дастурлари, йўналиш бўйича кадрлар тайёрлаш дастури талабаларига жавоб берадиган даражада ўқув адабиётлари яратилиб, такомиллаштирилмоқда.

в) ахборот-коммуникация тизимларининг кенг қўламдаги фойдаланувчилари бўлган 3-гуруҳ йўналишлари (шу жумладан, иқтисодиёт йўналиши) учун ахборот хавфсизлиги масалалари «Информатика ва ахборот технологиялари», «Иқтисодиётда ахборот технологиялари» фанлари таркибида ўқитилиши, яъни ушбу фанлар ўқув дастурларида ахборот хавфсизлиги мавзулари учун соатлар тақсимоли турличалиги, амалий ва лаборатория машғулоти учун ажратилган соатларнинг танқислиги талабалар томонидан зарур билимларни ўзлаштириш имконини чеклайди. Шу билан бирга 3-гуруҳ йўналишлари хусусиятлари ва талабаларнинг психо-физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалларини яратиш зарурати муаммо бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 3 февралдаги 30-сонли «Ахборот хавфсизлиги асослари» курсини ўқитишни ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғи республикамиз олий таълим тизими ўқув жараёнида «Ахборот хавфсизлиги» курсининг ўқитилишига асос бўлди.

Ахборот хавфсизлиги масалалари ўқитилишининг самарали ташкил этилишида талабаларнинг мотивацияси ва бу борадаги тайёргарлик даражаларини аниқлаш мақсадида Республикамиз Солиқ академиясининг «Солиқлар ва солиққа тортиш» факультетида «Информатика ва ахборот технологиялари» фани бўйича машғулотларда тегишли билим, малака ва кўникмаларни эгаллаган талабалар учун ўтказилган ижтимоий сўров натижалари таҳлил этилди. Натижалар талабаларнинг ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича ўз билимларини оширишга бўлган қизиқишлари юқорилигини кўрсатди.

Олий таълим тизимида ахборот хавфсизлигини ўқитишнинг турли жihatлари таҳлили иқтисодиёт йўналишидаги бакалаврият босқичи талабалари учун «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитишда қуйидаги ҳолатларни аниқлаш имконини берди: «Ахборот хавфсизлиги» курси мазмунини ўзлаштириш даражаси бўйича қўйиладиган талабларнинг турличалиги; курс мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув машғулоти соатларининг тақсимоти турличалиги; талабалар психо-физиологик хусусиятларига, келгусида ўз касбий фаолиятларига мос келадиган энг муҳим, долзарб мавзуларни ажратиш зарурати; амалий ва лаборатория машғулоти учун фойдаланиладиган дастурий-техник воситаларнинг хилма-хиллиги ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш учун таҳлил ўтказиш зарурати; ахборот хавфсизлигини таъминлашда ишлатиладиган лицензияга эга дастурлардан фойдаланиш масаласи; ўқув-методик қўлланмалар ва дидактик материалларнинг етишмаслиги.

«Ахборот хавфсизлиги» курсини самарали ўқитиш учун қуйидаги педагогик шартлар бажарилиши муҳимлиги кўрсатиб ўтилган:

- ўқитиш мақсадларининг аниқ қўйилиши;
- талабаларнинг билим даражаларига бўлган талаблар ишлаб чиқилиши;
- ўқитиш мазмунини саралаш, ўқитишни ташкил этиш (ўқитувчи фаолияти);
- методик ва технологик таъминот юқори даражада яратилганлиги.

Шунингдек, ўқитиш мақсадлари, мазмуни, ўқув материални структуралаштиришга оид тадқиқотлар таҳлили ўтказилиб, курс мазмунини шакллантиришда В.В.Краевскийнинг тамойиллари билан бирга концептуаллик, тизимлилик, мослашувчанлик, модуллик, оммабоплик, фаолиятга йўналтирилганлик тамойиллари белгилаб олинди. Муайян мавзуга оид ўқув материални тизимли ёндашган ҳолда структуралаштиришда эса қуйидаги тамойиллар белгилаб олинган:

- курс мазмунини асосий тушунчалар ва методларга таянган ҳолда ташкил қилиш;
- ўқув материални тизимли ва мантиқий кетма-кетлик асосида баён этиш;
- мазмуннинг яхлитлиги ва амалий аҳамияти;
- ўқув материални кўргазмалар тасвирлаш.

Иқтисодиёт йўналишидаги бакалаврларни тайёрлашда «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитишнинг хусусиятлари, педагогик шартлари ҳамда иқтисодиёт ахборот технологияларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий, маъмурий, амалий ва дастурий-техник чораларини қўллашга устуворлик бериш асосида курсни ўқитиш концепцияси ишлаб чиқилган. «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитиш концепцияси иқтисодиёт йўналишидаги бакалаврият босқичи талабаларининг ахборот хавфсизлиги борасидаги касбий компетенцияларини шакллантириш тамойиллари, назарий-услубий ёндашувлар ва илғор педагогик тажрибаларни

умумлаштиришга асосланган қарашлар ва тушунчаларни белгилашнинг яхлит тизимидир. Концепция мамлакатимизда амалга оширилаётган ахборотлаштиришга оид давлат сиёсатининг асосий тамойил ва устувор йўналишлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, талабаларнинг ахборот хавфсизлигига оид касбий компетенцияларини шакллантириш билан боғлиқ курснинг мақсади, вазифалари, мазмунини саралаш тамойиллари ҳамда дидактик талабларини миллий иқтисодиёт ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишнинг ҳуқуқий, маъмурий, амалий ва дастурий-техник чораларини қўллашнинг устуворлигини ҳисобга олган ҳолда белгилаб беради. Концепцияда курснинг мақсади, ўқув режасидаги ўрни, асосий вазифалари, ўқитиш мазмуни ва структурасини шакллантириш тамойиллари, курс мазмунини ўзлаштириш бўйича талабаларга қўйиладиган талаблар, дидактик мажмуага бўлган талаблар, касбий компетенцияларни шакллантириш самарадорлиги ва мезонлари, кутилаётган натижалар асослаб берилган.

Диссертациянинг **«Иқтисодиёт йўналишидаги бакалаврларни тайёрлашда «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитиш методикаси»**, деб номланган иккинчи бобида курсни ўқитиш мазмуни, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш, мустақил таълимни ташкил этиш, курс ўзлаштирилишини назорат қилиш методикаси тадқиқ қилинган.

Курснинг мазмуни ва структураси мазмунни шакллантириш мезонлари ҳамда ўқув материални мантиқий схемалар орқали структуралаштириш методлари асосида ишлаб чиқилди. Курснинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги модуллар ўқитилиши таклиф этилган:

1. Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш чоралари;
2. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг дастурий ва техник воситалари;
3. Компьютер вируслари ва улардан ҳимояланиш;
4. Операцион тизимлар ва уларда ахборот хавфсизлиги;
5. Компьютер тармоқларида ахборот хавфсизлиги;
6. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситалари бозори ва истиқболлари.

Миллий иқтисодиёт ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий ва технологик йўналишлари таркибий бирликлари сифатида 1-модул бўйича «Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари», 2-модул бўйича «Ахборот хавфсизлигининг комплекс тизими», 4-модул бўйича «Операцион тизимлар ва уларда ахборот хавфсизлиги» мавзуларининг курс мазмунига киритилиши муҳимдир. «Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари» мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборотлаштириш соҳасидаги қоидабузарликлар учун маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликлар, ривожланган давлатларда ахборот хавфсизлиги соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборот хавфсизлигига оид стандартлар таҳлили ёритилади. «Ахборот хавфсизлигининг комплекс тизими» мавзуси

бўйича миллий иқтисодиёт ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг маъмурий, амалий ва дастурий-техник чораларини қўллаш, корхонанинг ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни қўллаб-қувватлаш, дисklarнинг ҳимояси, ахборотларнинг жисмоний ҳимояси масалалари ўрганилади. «Операцион тизимлар ва уларда ахборот хавфсизлиги» мавзуси доирасида операцион тизимларда ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш воситалари, операцион тизим фойдаланувчилари ҳақидаги маълумотларни сақловчи тизимли файлни ҳимоя қилиш, тизим реестрини созлаш, тармоқ хавфсизлиги чораларини қўллаш, паролларни бошқариш масалалари ўрганилади.

Курс мазмунига тўлиқ ёндашиш учун ахборот хавфсизлигига оид билимларни ўзлаштиришни ўқитиш концепциясига биноан қуйидаги уч йўналишда олиб бориш тавсия этилади: умумий, функционал, принципиал. Умумий йўналишда маъруза машғулотлари орқали ахборот хавфсизлигига оид назарий билимлар ўзлаштирилади. Функционал йўналишда умумий йўналишда ўзлаштирилган назарий билимлар асосида 2-, 3-, 5-модул мавзулари бўйича амалий машғулотлар орқали малакалар шакллантирилади. Принципиал йўналишда 4-, 5-модул мавзулари бўйича лаборатория машғулотлари орқали кўникмалар шакллантирилади. Ушбу йўналишлар бўйича соатлар тақсимоти, уларни қамраб олувчи мақсадли, мазмунли ва технологик компонентларни яхлит шаклда тавсифловчи курснинг дидактик модели (1-расм) ва ушбу моделнинг ташкил этувчилари ишлаб чиқилди.

Ахборот хавфсизлиги масалаларини ўқитишда ўқитиш мазмунидан келиб чиққан ҳолда талабаларнинг таянч тушунчаларга оид билимларини бойитиш муҳимдир. Таянч тушунчаларни ўзлаштириш, талабалар томонидан ахборот хавфсизлиги масалаларининг тўғри талқин этилиши уларда малака ва кўникмалар шакллантирилишининг асосий шarti ҳисобланади. Ахборот хавфсизлигининг таянч тушунчаларини шартли равишда қуйидаги 4 синфга ажратиш таклиф этилган:


1) турли соҳаларга оид билимларда фойдаланиладиган, семантик жиҳатдан ўзига хос таърифланадиган умумий тушунчалар;

2) умумий тушунчалар билан бевосита боғлиқ ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий ва маъмурий чораларига хос бўлган тушунчалар;

3) ахборот хавфсизлигининг амалий чораларида фойдаланиладиган ҳамда ахборот ва унинг инфраструктурасига таъсир кўрсатувчи омилларни ифодаладиган тушунчалар;

4) бевосита ахборот хавфсизлигини таъминлашда фойдаланиладиган дастурий-техник воситаларга хос бўлган тушунчалар.

Шу ўринда айрим тушунчаларга берилган таърифларга ойдинлик киритилган. Жумладан, электрон рақамли имзо тушунчаси қуйидагича таърифланиши мақсадга мувофиқ: «Электрон рақамли имзо юридик ёки жисмоний шахснинг электрон шаклдаги ахборотини электрон ҳужжатга



1- «Axborot xavfsizligi» kursining didaktik modeli

айлантириш имконини берувчи ҳамда ушбу электрон ҳужжатни қалбакилаштиришдан муҳофаза қилувчи дастурий-криптографик воситадир».

Талабаларда ахборот хавфсизлигига оид илмий-назарий тушунчаларни шакллантириш ахборот тизимларидаги жараёнларда ахборот ва у билан боғлиқ инфраструктурага нисбатан бўладиган таҳдидлар, хужумлар ва ҳодисаларни тўғри талқин қилиш имконини яратади.

Дидактиканинг асосий муаммоларидан бири бўлган ўқитиш методлари муаммоси ҳал қилиниши ўқув жараёнининг тўғри ташкил этилиши, ўқитувчи, талабалар фаолияти ва, ниҳоят, ўқитиш натижалари билан бевосита боғлиқ. Курс машғулотларини ўтказишда В.И.Загвязинский кўрсатиб ўтган ўқитиш методларини танлашнинг икки вариантдан фойдаланиш таклиф этилган. Биринчи вариантда ўқитиш методлари Ю.К.Бабанскийнинг етти босқичдан иборат «ўқитиш методларини танлаш алгоритми» асосида танланади. Иккинчи вариантда ўқитиш методлари ўрганиладиган материал мазмуни таҳлили асосида танланади. Бунда ўқув материалининг мантикий структураси ва мазмуннинг характери эътиборга олинади.

Методиканинг моҳияти талабаларда фикрлашни ривожлантириш, фалсафий дунёқараш, касбий билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида фаол, мақсадга йўналтирилган ўқув ва илмий фаолиятни ташкил этишдан иборат. Шунинг учун «Ахборот хавфсизлиги» курсини ўқитиш методикаси маъруза материалларини иллюстратив, репродуктив, продуктив методлар асосида талабаларга тушунтириш уларнинг фаол иштирокида баён этиш, амалий ва лаборатория машғулотларида, мустақил таълимда ахборот хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи дастурий воситалардан фойдаланиш бўйича малака, кўникма ҳосил қилиш, тизимли равишда адабиётлар билан ишлашни акслантириши керак.

Ҳар бир мавзунинг ўқитиш мақсадларини аниқлашда педагогик мақсадларнинг иерархик структурасидан иборат таксономиядан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Таксономик ёндашув асосида курснинг маъруза мавзуларини ўқитишнинг когнитив соҳалари бўйича мақсадлари, ўқитиш методлари ва воситалари аниқлаштирилиб, маъруза мавзуларини ўқитиш методикаси тадқиқ қилинган. Бундай ёндашув асосида қўйилган педагогик мақсадларни амалга ошириш бўйича ўтиладиган мавзу дарс ишланмасини лойиҳалаштириш ва когнитив соҳаларни ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёни натижаларини башорат қилиш мумкин. Унга кўра маъруза машғулотларида сифатли натижага эришишга йўналтирилган мақсадларни лойиҳалаш алгоритмининг педагогик имкониятларидан фойдаланилган. Намуна сифатида «Ахборотга бўладиган таҳдидларнинг кенг тарқалган турлари. Таҳдидларнинг синфлари» мавзуси бўйича интерактив маъруза машғулотини ташкил этиш методикаси келтирилган. Ушбу маъруза учун мақсадларни лойиҳалаш алгоритмининг педагогик имкониятлари билан танишиб чиқайлик. Алгоритмнинг 1-босқичида мақсадлар лойиҳалаштирилади. Ҳар бир когнитив соҳа мақсади учун максимал конкрет талаблар ажратиб олинади. Улар структурали бирлик сифатида Блум

таксономияси тоифаларига мослаштириб чиқилади ва ҳосил бўлган натижа жадвал кўринишида тасвирланади. Структурали бирликлар ажратилган таянч сўзлар ва тушунчалар орқали баён этилади. Алгоритмнинг 2-босқичида мақсадлар конкретлаштирилади. Ушбу босқичда структурали бирликлардаги ажратилган сўз ва таянч тушунчалар моҳияти аниқ натижа берадиган муайян амаллар, хатти-ҳаракатлар орқали очиб берилади. Алгоритмнинг 3-босқичида ҳар бир структурали бирлик учун ўзлаштиришни назорат қилиш усуллари ишлаб чиқилади.

Таксономик ёндашувларни босқичли жорий этиш алгоритмининг педагогик имкониятларига асосланган ҳолда маъруза ўқитишнинг методлари, шакли, воситалари, режаси, технологик картаси, мустақил иш топшириқлари, назорат саволлари ишлаб чиқилди. Ҳар бир режа банди учун ўқув материални ишлаб чиқишда мантиқий-схемаларга асосланildi. Маъруза машғулотларини ўтказишда ўқитишнинг иллюстратив, репродуктив, продуктив методлари ҳамда аклий ҳужум, кластер, мультимедиали блиц-сўров, интерактив кроссворд, дискурсив фикрлаш каби интерактив методлар қўлланилди.

Курснинг амалий ва лаборатория машғулотлари тизимли ёндашувга асосланган «файл – папка – диск (ташқи хотира) – тизим – тармоқ» алгоритми бўйича хавфсизликни таъминлаш имконини берувчи дастурий воситалар билан ишлаш машқлари орқали ташкил этилиши тавсия этилган. Амалий машғулотларни ташкил этишда ўқитишнинг фронтал, жамоавий, гуруҳли, индивидуал шакллари ва интерактив методларидан фойдаланиш тавсия этилади. Булардан, масалан, кичик гуруҳлар билан ишлаш (тренинг) методида талабаларнинг мотивацияси қизиқарли мазмунли фаолият, мавзунинг долзарблиги, ўз устида ишлаш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўрганилаётган объектнинг амалий аҳамияти, жамоавий бир-бирини қўллаб-қувватлаш орқали таъминланади. Амалий машғулот намунаси сифатида «Антивирус дастурлари билан ишлаш» мавзусининг «Касперский Антивирус дастурининг имкониятлари ва ундан фойдаланиш учун ҳимоялаш параметрларини сошлаш» қисмини ўқитиш методикаси келтирилган.

Курснинг лаборатория машғулотларини ўтказиш шакли гуруҳдаги талабалар сони, ўқув режасида мавзу мазмуни, ҳажми ва лаборатория топшириқларини бажариш учун мўлжалланган ўқув-компьютер синфидаги компьютерлар сони билан боғлиқ. Лаборатория машғулотини ўтказишнинг фронтал, индивидуал ва аралаш (комбинацияли) шаклидан фойдаланиш тавсия этилади. Намуна сифатида фронтал шаклда «MS OFFICE пакети билан ишлашда ахборот хавфсизлигини таъминлаш» мавзуси бўйича лаборатория машғулотини ўтказиш методикаси келтирилган. Унда машғулот режаси, ҳар бир режа бандлари бўйича дидактик материаллар бериб ўтилган.

Талабаларнинг ўқув материаллари билан мустақил ишлаш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқаришлари асосида фикрлашга ўргатиш мустақил таълим орқали амалга оширилади. Мустақил таълимда топшириқларнинг яқка тартибда бажариладиган, гуруҳли, ижодий, табақалаштирилган, гуруҳ учун умумий турларидан фойдаланиш тавсия этилган.

Курс бўйича ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолашда когнитив соҳа тоифаларига мос равишда тўрт турдаги назорат топшириқлари ишлаб чиқилди. Биринчи турдаги топшириқлар сирасига ўтилган мавзуга оид тушунчалар, таърифлар, қоидалар, далилларни тушунтириш ва объектларнинг бир-биридан фарқини ажрата билишга йўналтирилган саволлар, вазифалар киритилди. Иккинчи турдаги топшириқлар сирасига ўрганилган мавзу бўйича содда фикрлаш ва мантиқий амалларни маълум шартлар асосида бажаришга йўналтирилган вазифалар киритилди. Талабалар билимини биринчи ва иккинчи турдаги топшириқлар бўйича назорат қилишда «Тушунчаларни назорат қилиш» компьютер дастуридан, тушунчалар методидан, кластер, интерактив блиц-сўров, интерактив кроссворд, дискурсив фикрлаш ва тест топшириқларидан фойдаланилади. Учунчи турдаги топшириқлар сирасига мураккаб мантиқий фикрлаш амаллари бажарилишини назорат қилишга йўналтирилган вазифалар киритилди. Бундай топшириқлар бўйича назорат коллоквиумларда оғзаки савол-жавоб шаклида ҳамда амалий ва лаборатория машғулотларида ўтказилди. Тўртинчи турдаги топшириқлар сирасига муаммоли масалалар, ижодий ёндашувни талаб этадиган вазифалар киритилди. Бундай вазифалар, асосан, мустақил иш топшириқларида берилди.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба мазмуни ва олинган натижалар таҳлили**», деб номланган учинчи бобда педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва талабаларнинг курсни ўзлаштириш, билим даражаларини аниқлашда олиб борилган тажриба-синов натижаларининг таҳлили келтирилган. Тажриба-синов ишларини ташкил этишда педагогик кузатув, педагогик амалиёт, анкеталаштириш, сўров, суҳбат, тестлаш, эксперт баҳолаш каби методлардан фойдаланилган. Педагогик тажриба Солиқ академиясида, Тошкент молия институтида ва Самарқанд давлат университетида уч босқичда олиб борилди: 2010–2012 ўқув йиллари тажриба бўйича изланиш, 2013–2015 ўқув йиллари асосий тажриба, 2015–2018 ўқув йиллари илмий изланишнинг охиригигача тугалланган босқичи.

Тажрибанинг биринчи босқичида ахборот хавфсизлиги бўйича мавжуд адабиётлар ва мавзуга доир маълумотлар, фактлар, воситалар ўрганилиб, таҳлил қилинди ва улар асосида тадқиқот вазифалари аниқлаб олинди. Шунингдек, ахборот хавфсизлигига оид тушунчалар, уларнинг таърифлари чуқур таҳлил асосида ўрганилди, талабалар учун «Тушунчаларни назорат қилиш» компьютер дастури ишлаб чиқилди.

Асосий тажриба илмий изланиш тарзида бўлди. Унинг давомида «Ахборот хавфсизлиги» курсининг маъруза, амалий, лаборатория машғулотларини ўтказишда ўқитиш методикасини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, ушбу методиканинг талабалар билим савияси сифат кўрсаткичини оширишга таъсир этишини аниқлаш бўйича кузатишлар ўтказилди. Тажрибанинг бу босқичида ўқув жараёнини лойиҳалаш ва амалга оширишнинг илмий-методик асослари ишлаб чиқилди. Шунингдек, талабалар учун курсни ўзлаштириш бўйича методик ишланмалар тайёрланиб, улардан фойдаланиш учун шароитлар яратилди. Солиқ академиясининг

«Солиқлар ва солиққа тортиш» факультети, Тошкент молия институтининг «Суғурта иши» факультети ва Самарқанд давлат университетининг «Иқтисод ва бизнес» факультети ўқув гуруҳларидан иборат тажриба ва назорат гуруҳлари танлаб олинди. Тажриба гуруҳли талабалари сони 172 тани, назорат гуруҳи талабалари сони 172 тани ташкил этди. Бу гуруҳларда дарслар икки хил методика асосида ўтказилди.

Тажриба гуруҳларида машғулот мавзулари ишлаб чиқилган методика асосида янада чуқурроқ тарзда ўқитилди, назорат гуруҳларида эса анъанавий методика асосида олиб борилди.

